ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИГА КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАР САРФЛАШНИНГ ОРТИБ БОРИШИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР (1951-1990 йй.)

О.К.Комилов

Мақолада совет ҳукуматининг Ўзбекистон сув хўжалиги қурилишига капитал маблағлар сарфлашининг йилдан йилга ортиб бориши жараёнлари ва ундаги мавжуд муаммолар бирламчи манбалар асосида ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *капитал маблағлар, ирригация-мелиорация, пахта яккаҳокимлиги, совет ҳокимияти, ирригация тармоғи, совхоз, дренаж, коллектор, қўриқ ерлар.*

В статье, на основе первоисточников, освещены процессы и имевшиеся проблемы ежегодного увеличения советским правительством расходов капитальных средств на водохозяйственное строительство в Узбекистане.

Ключевые слова: *капитальные средства, ирригация-мелиорация, хлопковая монокультура, советское правительство, ирригационная система, совхоз, дренаж, коллектор, целинные земли.*

On the bases of the original sources the author tries to describe the the increase of the amount of allotment for the construction of irrigation system of Uzbekistan by the former Soviet government.

Key words: *capital means, irrigation-land-reclamation, cotton monopoly, Soviet government, irrigation system, state farm, drainage, collector, virgin lands.*

Маълумки, совет ҳукумати Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадида соҳага алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, 1950-1980 йилларда республика қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги сиёсати ҳукмронлик қилди. Мазкур сиёсат натижасида экология ва атроф-муҳит ифлосланди, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи аста-секин издан чиқди, дон маҳсулотлари йилдан йилга камайиб кетди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ушбу ҳолатга қуйидагича баҳо беради: «Экин майдонлари таркибида сўнгги вақтларга (1990 йилга) қадар пахта деярли 75 фоиз майдонни эгаллаган эди. Дунёнинг бирорта ҳам мамлакатида пахта монополияси бу қадар юқори даражага кўтарилмаганди. Бу ҳол ернинг кучсизланишига, тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг сув-физикавий хоссалари ёмонлашувига, тупроқнинг бузилиши ва нураши жараёнлари ортишига олиб келди» [1.511].

Совет ҳукумати Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш учун ирригация-мелиорация ишларига алоҳида эътибор қаратди. Шу мақсадда республикада сув хўжалиги қурилишига капитал маблағлар сарфлаш йилдан йилга ортиб борди. 1950 йилдан 1970 йилга қадар сув хўжалиги қурилишига 2 млрд. сўмга яқин маблағ сарфланиб, қатор йирик ирригация ва гидротехник объектлар барпо этилди. 50-йилларда Дарьял ва Озер коллекторлари; Тешиктош гидроузели; Учқизил (160 млн.куб.м.), Жанубий Сурхон (800 млн. куб. м.), Чимқўрғон (500 млн. куб.м) ва Туябўғиз (180 млн. куб.м.) сув омборлари қурилди [2.3]. Мазкур гидроиншоотларнинг барпо этилиши Ўзбекистондаги йирик пахта экин майдонларини суғориш имконини берди ва шу билан бирга республикада пахта яккаҳокимлигининг кучайишига ҳам олиб келди.

Собиқ СССР Министрлар Совети 1952 йил учун қабул қилган халқ хўжалиги режасида ЎзССР Пахтачилик ва Сув хўжалиги вазирликлари томонидан бажариладиган сув хўжалик қурилиши ишларига 126,7 млн. сўм миқдорида капитал маблағ ажратилган. ЎзССР Пахтачилик вазирлиги 6,8 млн. сўм миқдоридаги иш ҳажми, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан эса 120,8 млн. сўм миқдоридаги иш ҳажми бажарилди. Бундан лимитдан ортиқ объектлар бўйича 64,3 млн. сўм, лимитдан қуйи ҳисобланган объектлар учун 46,2 млн. сўм ва энергетика бўйича 10,3 млн. сўм миқдорида иш амалга оширилди [3.1].

Совет ҳукумати республикада суғориш каналлари, насос станциялари барпо этишга алоҳида эътибор қаратдики, бу ҳам асосий мақсад - Марказни пахта хом ашёси билан таъминлаш билан боғлиқ эди. Шу сабабли Катта Фарғона каналининг сув ўтказиш қуввати 200 куб.м/сек.га етказилди. Фарғона водийсидаги 10 минг га ерни суғориш мақсадида 9 та насос станцияси бунёд этилди. «Фарҳод» совхозидаги суғориладиган 12 минг га майдонни машина билан суғориш амалга оширилди. Боёвут массивидаги 40 минг гектарни суғориш учун 15 та насос қурилмаси барпо этилди. 60-йилларда 118

О.К.Комилов *- АДУ катта илмий ходим изланувчиси.*

минг га янги ерларни суғориш мақсадида Аму – Бухоро канали қурилиши икки босқичда амалга оширилди, йирик насос станциялари ва Миёнқол-Хатирчи, Параллель, Фрунзе, Жанубий Фарғона, Норин каби магистрал каналлари қурилди [2.4]. Мазкур гидроиншоотларнинг қурилиши ҳам совет ҳукумати юритган аграр сиёсат мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Бироқ 50-йиллар бошларидан совет ҳукумати томонидан республикада пахта яккаҳокимлигининг янада кучайтирилишига қарамасдан, суғориш соҳаси жадал тараққий этмади. Натижада 1951-1953 йиллар мобайнида республика суғориш тармоқларини такомиллаштириш учун ажратилган 445 миллион сўм капитал маблағнинг 219 миллиони ўзлаштирилди, холос [4.217]. Янги суғориладиган ерлар эса атиги 20 минг гектарга кўпайди.

1951-55 йилларда Мирзачўл бўйича сув хўжалигига ҳар йили ўрта ҳисобда 13,5 миллион сўм сарф қилинган бўлса, 1956-60 йилларда 31 миллион сўмдан, 1960-65 йилларда йилига 185 миллион сўмдан маблағ сарфланди [5.179].

Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришга 1953 йил 1 мартидан 1963 йилнинг 1 январигача бўлган капитал маблағлар сарфланиши қуйидаги жадвалда акс эттирилган:

1-жадвал

Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришга капитал маблағлар сарфланиши (1953-1963 йй.) (минг сўм ҳисобида) [6.5].

№	Маблағлар номи	Режа бўйича	Амалда бажарилди
	Суғориш учун:		
1	Сув хўжалиги қурилишига	33898.4	28114.6
2	Лойиҳа-қидирув ишларига	1096.4	737.4
3	Ҳаражатларга	-	263.5
	Жами:	34994.8	29115.5
	Шу жумладан:		
	Колхозларнинг бўлинмас фондидан	20153.1	9462.3
	Давлат бюджетидан	14841.7	19653.2
	Ўзлаштириш учун:		
4	Автомобиль йўлларига	8257.0	7089.4
5	Бурғиланган қудуқларга	784.6	705.5
6	Маданий-маиший объектларга	6570.9	3294.8
7	Лойиҳа-қидирув ишларига	146.0	120.8
8	Ҳаражатларга	-	99.8
	Жами:	15758.5	11310.3
	Шу жумладан:		
	Колхозларнинг бўлинмас фондидан	15156.8	10708.6
	Давлат бюджетидан	601.7	601.7

Жадвалдаги рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштиришга 1953-1963 йилларда режага кўра, 50753,3 минг сўм ажратилди, амалда эса 40425,8 минг сўм ҳажмида маблағ сарфланди. Ундан режа бўйича колхозларнинг бўлинмас фондидан 35309,9 минг сўм, амалда 20170,9 минг сўм, давлат бюджетидан режага мувофиқ 15444,4 минг сўм, аслида эса 20254,9 минг сўм миқдорида маблағ сарф қилинди. Совет директив органларининг Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларни ўзлаштиришдан кўзлаган мақсади эса бу ерда пахтачиликни янада ривожлантиришга йўналтирилганди. Чунки водийнинг иқлими ва табиати пахта етиштиришга жуда мос келарди.

1954-1956 йилларда фақатгина ирригация иншоотлари қурилишига 450 миллион сўм сарф қилинди, бунинг натижасида 1953-1955 йилларда 130 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Беш йил мобайнида жамоа ва давлат хўжаликлари 12 716, 1 минг тонна оқ олтин топширди [7.102-103]. Айнан шу мақсадда совет ҳукумати республикадаги янги ерларни ўзлаштиришга катта миқдорда капитал маблағлар ажратган эди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП МК 1955 йил 18 июндаги «Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги органларининг ишини яхшилаш тўғрисида»ги 452-сонли қарорида сув хўжалиги қурилиши режасининг тизимли равишда бажарилмай қолиб кетиши ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги ишидаги жиддий камчилик деб эътироф этилди. Бу камчилик натижасида давлат томонидан шу мақсадга чиқарилган маблағлардан анчагина қисми фойдаланилмай қолиб кетган. Кейинги беш йил мобайнида эса ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги 282 миллион сўмни ўзлаштирмаган. 1954 йилда капитал қурилиш режаси атиги 65 % га бажарилган, холос [8.127].

70-йиллардан бошлаб совет ҳукумати Жиззах чўлини ўзлаштиришга катта эътибор қаратди. Бу ҳудуддаги илк ўзлаштириш ишлари 1974 йилдан бошланиб, айнан марказ учун катта миқдорда пахта етиштириб бериш мақсадида бу ерга 26 миллиард сўм ҳажмида капитал маблағ ажратилди. Шу жумладан, биринчи навбатда бажариладиган ишлар учун сарфланадиган пул 434 миллион сўм миқдорида белгиланди. Сув хўжалиги қурилиши ва ташқи инженерлик коммуникациялари учун 762 миллион сўм, қишлоқ хўжалиги ва ерларни ўзлаштириш учун 498 миллион сўм миқдорида капитал маблағ сарфлаш режалаштирилган. Жами соф даромад бўйича капитал маблағларнинг ўзини қоплаш муддати 6-7 йилни ташкил қилди [9.20].

Иттифоқ ҳукумати пахтачиликни янада ривожлантириш учун республиканинг ирригация ва ме-

лиорация соҳаларига капитал маблағлар ажратишни йил сайин орттириб борди. Агар 1956-1960 йилларда бу тармоққа 402 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, 1961-1965 йилларда - 951, 1966-1970 йилларда - 1 миллиард 793 миллион сўм, 1971-1975 йилларда - 3 миллиард 750 миллион сўм, 1976-1980 йилларда - 5 миллиард 750 миллион сўм, 1981-1985 йилларда 6,4 миллиард сўм ажратилди [4.230]. Етти йиллик йилларида Ўзбекистоннинг сув хўжалиги қурилишига салкам 1 млрд. сўм маблағ сарфланди [10].

Етти йиллик (1959-1965 йй.) ва саккизинчи беш йиллик (1966-1970 йй.) даврида ирригация айниқса кенг қулоч ёзди. Шу даврда сув хўжалиги қурилишига бир миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ ажратилди, суғориладиган янги ерлар 370000 гектарга яқин кўпайди. 1960 йилда ирригация қурилиши ҳажми 1,8 баробар, 1965 йилда эса 1956 йилга нисбатан 5,7 баравар кўпайди [11.26]. Ирригациянинг ривожланиши эса республикада пахта яккаҳокимлигини йилдан йилга кучайиб боришига туртки берди. Бу эса кўплаб салбий ҳолатларни келтириб чиқарди.

1961 йилда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш режасига асосан колхозларнинг бўлинмас фонди маблағларидан 4346,0 минг сўм киритилиши кўзда тутилди. Ундан сув хўжалиги қурилишига 1155,0 минг сўм ёки 26,8 фоиз, амалда эса 1961 йил учун 2997,3 минг сўм ёки 68,9 фоиз, ундан режа бўйича сув хўжалиги қурилишига 881,5 минг сўм ёки 76,2 фоиз киритилди [12.21]. Фарғона вилояти колхозлари пул маблағларидан қуйи лимит объектлари сув хўжалиги қурилишига режа бўйича биринчи ярим йилликда 2250 минг сўм киритилишининг шарт бўлишига қарамай, унга мутлақо маблағ киритилмади.

1965 йил Ўзбекистонда каналлар, насос станциялари, сув омборлари, дренаж тизимлари ва бошқа гидротехника иншоотлари барпо этишга 18 млрд. сўм миқдоридаги капитал маблағлар сарф қилинди. Ирригация тизими эгаллаган майдони 4 млн. га (унинг қиймати - 6 млрд. сўмни) ни ташкил қилиб, у катта маблағ сарф қилиш ва иш ҳолатини қайта қуриш ҳамда реконструкция қилишни талаб қиларди [13]. Бироқ бу сув иншоотларини қуришга ажратилган капитал маблағлар кўплаб ҳолларда ўзлаштирилмади.

1966-1980 йиллар мобайнида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига қарийб 11 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, шундан 8 миллиард 850 миллион сўми сув хўжалиги қурилишига харажат қилинди. Шу давр ичида республикада 500 минг гектарга яқин янги суғориладиган ер ўзлаштирилди ва қишлоқ хўжалик оборотига киритилди [14.22].

1966-1986 йиллар давомида Ўзбекистон сув хўжалиги учун 17,1 млрд. сўм миқдорида маблағ сарфланди, 1,5 млн. гектар янги ерлар ўзлаштирилди, 1 млн. 888 минг гектарга яқин ер майдони текисланди, 2,5 млн. гектар ернинг сифати ва мелиоратив ҳолати яхшиланди [15.3]. Амалга оширилган тадбирлар республикадаги пахта ҳосилини кўпайтириш ва уни марказга ташиб кетиш имкониятини кенгайтирди. Бунинг натижасида эса ўзбек деҳқонларининг турмуш тарзи тобора оғирлашиб, улар пахта майдонларига доимий равишда боғланиб қолди.

1969 йилда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги ўзининг асосий диққат-эътиборини суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва асосан пахта ҳосилини янада кўпайтиришга қаратди. Мазкур йилда ирригация-мелиорация чора-тадбирлари учун ажратилган капитал маблағлар миқдори 11455 минг сўм ҳажмида режалаштирилди, ундан 9701 минг сўми қурилиш-монтаж ишларига ажратилган (1968 йилда 7639 минг сўмни ташкил қилган), яъни бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 1,5 марта ортиқроқни ташкил этган [16.47].

1970 йилда Наманган сув хўжалиги қурилишига капитал маблағ сарфлаш вилоят бўйича 10,8 млн. сўмдан 48,8 млн. сўмгача кўпайди ёки 1976 йилда у 4,8 марта орттирилди. Ишлаб чиқариш базаси ривожланиши учун 1,8 млн. сўм капитал маблағ йўналтирилди. Асосий жамғармалар 6 бараварга, пудрат иши ҳажми бир йилда 9,8 млн. сўмдан 43,1 млн. сўмгача ортди ёки 4 маротабага кўпайди [17.11].

1971 йилда бўлиб ўтган КПСС XXIV съезднинг директивасида Ўзбекистон мелиораторлари олдига 465 минг га янги суғориладиган ерлар ва Қарши чўлидаги янги пахтачилик туманларидаги ишларни ривожлантиришни давом эттириш, Мирзачўл, Сурхон - Шеробод водийси ҳамда Қорақалпоғистон АССРдаги суғориладиган майдонларни янада кенгайтириш бўйича аниқ масъулиятли топшириқлар қўйилди. Шунингдек, Андижон сув омбори ва Туямўйин гидроузели қурилишини тезлаштириш, 600 минг гектарга яқин бўлган майдондаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласи таклиф қилинди. Бу ишларни амалга ошириш учун Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги вазирлигига 2 млрд. сўм миқдоридаги маблағ ажратилди ва 175,1 минг га янгидан суғориладиган ерлар ва 423,6 минг га майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш таклифи ҳам киритилди [2.56]. Бундай катта ҳажмдаги маблағларни ирригацияга ажратишдан асосий мақсад пахта экин майдонларини кенгайтиришга қаратилганди.

Тўққизинчи беш йиллик (1971-1975 йй.)да Наманган вилояти сув хўжалиги қурилишига 188

млн. сўм капитал маблағ сарфланди. Бу эса саккизинчи беш йилликдагига нисбатан 3,5 баравар кўпдир. Мана шу давр ичида 17,5 минг гектар янги ер ўзлаштирилди, 24 минг гектар суғориладиган ерда капитал текислаш ишлари ўтказилди, 21 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Катта Наманган каналининг 62 км ли биринчи навбати ишга туширилди. Каналнинг турли босқичларида 7 та қайнама қурилди, канал остидан 12 та қувур ўтказилди, 17 та темирбетон кўприк қурилди. Шунингдек, юздан ортиқ ҳар хил сув иншоотлари барпо этилди, Шимолий Фарғона канали кенгайтирилди, Пунгон, Наманган, Уйчи, Калвак, Ғирвонсой, Чуст ва бошқа йирик насос станциялари қурилди [18.110].

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1972 йил 2 октябрдаги «Қўриқ ва суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш ва келгусида ерларнинг мелиорацияси бўйича ишларни кучайтириш тўғрисида» ги 720-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Совети 1972 йил 16 ноябрда 516-сонли қарорни қабул қилди. Қарорда республикада суғориш тизими техникасини такомиллаштириш бўйича ишлар жуда суст даражада олиб борилганлиги, хўжаликлар суғориладиган ерларни кенгайтириш бўйича мавжуд имкониятларидан тўла фойдалана олмаганлиги, шунингдек, бир қатор йирик сув хўжалиги объектларини қуриш режасини амалга ошириш орқада қолганлиги таъкидланган [19.39].

Ўнинчи беш йиллик (1976-1980 йй.)да ирригация-мелиорация ишларини ўтказишга олти миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шу йиллар мобайнида 465 минг гектар янги суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик оборотига киритилди, 530 минг гектар эски экинзорларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бир миллион гектардан ортиқ ердаги суғориш системалари қайта қурилди, қарийб тўрт юз минг гектар яхшилаб текисланди [20.7]. X ва XI беш йилликлар давомидагина суғориладиган ерлар майдони 3,1 дан 4 млн. гектаргача кўпайди. Шу йиллар мобайнида ирригация-мелиорация қурилишига қарийб 9 млрд. сўм сарф қилинди. Жами эса 1965 йилдан 1988 йилгача республика сув хўжалигини ривожлантиришга қарийб 24 млрд сўм сарфланди [21.55]. Айнан ўнинчи беш йиллик мобайнида Фарғона вилояти сув хўжалиги қурилишига 221 млн. сўм сарфланди. Бу саккизинчи беш йилликдагидан икки баробар кўпни ташкил қилди. 11946 гектар суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик оборотига киритилди, 55 минг гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 47665 гектар суғориладиган ерлар асосли текисланди, 12400 гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти оширилди [22.56]. Бу тадбирлар республикадаги пахта майдонларининг янада кенгайиши, пахта яккаҳокимлигининг кучайиши ва шулар билан боғлиқ экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келди.

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1976 йил 15 июлдаги «1976-1980 йилларда ерларни мелиорациялаш режаси ва мелиорацияланган ерлардан фойдаланишни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 570-сонли қарорига асосан сув хўжалиги қурилиши учун капитал маблағлар ҳажмини ва суғориладиган ерларни амалга киритиш ва мелиорацияланган ерларда ўсимликшунослик маҳсулотлари асосий турларини етиштириш ҳамда мелиорацияланган ерлардан тўла фойдаланиш бўйича қўйилган топшириқлар бажарилишини СССР Сув хўжалиги вазирлиги ва СССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таъминламади. Мазкур беш йилликда ерларнинг мелиорацияси учун ажратилган давлат капитал маблағлари ҳажми 33,7 млрд. сўмга бажарилди ёки у 94 % ни ташкил этди [23.67]. Собиқ Совет Иттифоқи бўйича 610 минг га майдондаги суғориладиган ерлар амалга киритилмади. Масалан, ЎзССР да беш йил давомида 58000 га суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетди [23.73].

Ўнинчи беш йилликдаги пудрат ишлари режаси 1980 йил 25 августда 292 млн. сўм қилиб бажарилди. Ўтган тўрт йил ва 1980 йилнинг 8 ойи мобайнида 109,2 минг гектар янги ер асосли текисланди, 97,6 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди [24.3].

Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларнинг 21 минг гектардан кўпроғи Комсомолобод (ҳозирги Улуғнор) туманига тўғри келади. Туманда ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида 69625 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Фақат ирригация ва мелиорация ишларининг ўзига 10575 минг сўм сарфланди. Бу 7108 гектар янги ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имконини берди [25.22]. Бу ҳудуддаги суғориш ишлари ҳам совет ҳукумати манфаатини кўзлаб, айнан пахтачиликни ривожлантиришга қаратилди.

1978 йил 12 февралда ЎзССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги коллегияси томонидан «ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги лойиҳа ташкилотларининг 1977 йилдаги капитал қурилиш ва пудрат ишлари режаси бажарилиши якунлари ҳамда 1978 йил учун топшириқлар» бўйича қарор қабул қилинди [26]. Мазкур қарорда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги 1977 йил давомида 652,1 млн. сўм (ёки 100 %) ҳажмида капитал маблағларни ўзлаштирганлиги, унинг 539 млн. сўм қурилиш-монтаж ишларига сарфланганлиги, янги суғориладиган ерларни киритиш режаси (43,0 минг га режа бўйича 41,56 минг га) 103 % га, ер-

ларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича режа 118% га, суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш бўйича режа икки маротаба ортиғи билан бажарилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўн биринчи беш йилликда (1981-1985 йй.) мелиорация ва сув хўжалиги ишларига 6,4 млрд сўм маблағ сарфланди, ҳамма вилоятларда ва ҚҚАССРда 500000 гектарга яқин янги ер ўзлаштириш мўлжалланиб, Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштириш давом эттирилди [27].

1989 йили Ўзбекистонда мелиорация ишларига капитал маблағ сарфлаш 1988 йилга нисбатан 255 миллион сўмга кўпайди. Қишлоқ хўжалигидаги барча капитал маблағ сарфининг 41 фоизи шу соҳага ажратилди (аввалги йилда 45 фоиз сарфланган) [28]. Мелиорация ишларига капитал маблағ сарфлашнинг камайиб бориши бир қанча ёмон оқибатларга олиб келди. Бироқ 1990 йилда мелиорация қурилишига ва қишлоқ хўжалигидаги барча комплекс ишларига сарфланган умумий капитал маблағларининг миқдори 45 фоизни ташкил қилди (1989 йилда эса 41 фоизни ташкил қилган) [14]. 1950-1980 йилларда совет ҳукумати томонидан республиканинг сув хўжалиги қурилишига, ирригация-мелиорация ишларига кўплаб маблағлар ажратилди, уларнинг ҳажми йилдан йилга ортиб борди. Бундан ҳукуматнинг кўзлаган асосий мақсади иттифоқ хирмонини бойитишга қаратилди. Натижада республикада пахта яккаҳокимлиги тобора кучайиб борди. Бундан ташқари бу капитал маблағлар жойларда тўла ҳолатда ўзлаштирилмади. Уларнинг кўпчилиги эса ижро этилмай, қоғоздагина қолиб кетди, янги ерларни ўзлаштиришга ажратилган маблағлар эса камдан кам ҳолларда ўзини оқлади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, совет ҳукумати пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ирригациясини жадаллаштирди. Ана шу сабабли сув хўжалиги қурилиши учун давлат бюджети ва колхозларнинг бўлинмас жамғармасидан кўплаб маблағлар ажратилди. Республикада кўплаб сув омборлари, каналлар, насос станциялари қурилишига алоҳида эътибор берилиб, уларга давлат бюджетидан капитал маблағлар ажратилди. Бу гидроиншоотлардан эса қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачиликда йирик майдонларни, янги ўзлаштирилган ерларни суғоришда кенг фойдаланилди. Бироқ, бу жараёнлар республикада пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг янада авж олишига олиб келди.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.

2. Минводхоз УзССР в девятой пятилетке.-Т.:1976.

3. ЎзР МДА, Р.837-фонд, 38-рўйхат, 4295-иш.

4.Раззоқов А.А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи. (Ўтмиш ва ҳозир).- Т.: Ўзбекистон, 1994.

5.Эгамбердиев Р., Раззоқов А. Ўзбекистонда қўриқ ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи (Мирзачўл мисолида).-Т.: Фан, 1984.

6. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 1151-фонд, 1-рўйхат, 80-иш.

7. Народное хозяйство УзССР за 50 лет. –Т.: Узбекистан, 1969.

8. ФВДА, 1022-фонд, 2-рўйхат, 182-иш.

9. Абдураҳмонова Т. Замонамиз ирригацияси (Ўзбекистон ирригациясининг бугуни ва эртаси).-Т.: Ўзбекистон, 1976.

10. Правда Востока. 10 декабря 1965 год.

11.Абдураҳмонова Т. Ўзбекистонда ирригациянинг ривожланиши.-Т.: Ўзбекистон, 1972.

12. Андижон вилоят давлат архиви, 608-фонд, 1-рўйхат, 1617-иш.

13. http://www.igpi.ru/bibl/igpi_publ/uzb_eco.html

14. Искандаров С.И., Раҳимбоев Ф.М. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши.-Т.:Ўзбекистон, 1984.

15. Коммунист Узбекистана. 1988. -№12.

16. ЎзР МДА, Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 3102-иш.

17. НВДА, 865-фонд, 1-рўйхат, 276-иш.

18. Қосимов Й. Наманган воҳасининг суғорилиш тарихидан.-Т.: Фан, 1988.

19. ЎзР МДА, Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 4160-иш.

20. Рашидов Ш. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида пахтачиликни янада интенсивлаш ва пахта сифатини ошириш тадбирлари тўғрисида // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Т., 1981.

21. Носиров Р., Бобоназаров Ғ. Мелиорациялаш - ерни яхшилаш демакдир//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Т., 1989.-№11.

22. Ғафуров А. Фарғона мелиораторларининг вазифалари //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Т., 1981.-№10.
23. НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 3620-иш.
24. Қурбонов Н. Ерларни комплекс ўзлаштириш йўлидан// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Т., 1981.-№1.
25. Дадахонов И. Қўриқ ерлар саховати // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Т., 1980.-№ 9.
26. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг идоравий архивининг 1978 йил бўйича умумий ҳисоботи материалларидан
27. Совет Ўзбекистони.1984 йил 4 февраль. (Ўзбекистон КП МКнинг Ўзбекистон КП XX съездига ҳисоботи).
28. Совет Ўзбекистони.1990 йил 4 февраль.

2014 йил 15 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)